

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ
(ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА)

№ 34

“7” 05 2022 йил

Термиз шаҳри.

Низом асосида иш юритувчи бир томондан, “Сурхондарё вилояти минтақавий автомобил йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан директор А. Боқиев ва “Жанубийўллойиха” МЧЖ, бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи директор А. Йўлдошев, Низом асосида иш юритувчи икки томондан куйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети:

1.1 «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган Қизириқ тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлими Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама етказиш) лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш иш ҳажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш ҳажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

№	Иш (хизмат) лар номи	Ўлчов бирли ги	Миқ дор и	Нархи ККС сиз	Суммаси, ККС сиз	15% ККС	Жами 15% ККС билан
1	Қизириқ тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлими Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама етказиш) лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш	дона	1	6 260 870	6 260 870	939 130	7 200 000
	Жами:						

2. Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Республикаимиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси (ККС билан) **7 200 000 (етти миллион икки юз минг) сўми** ташкил қилади.

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи» га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширилади.

3. Тўлов шартлари

3.1 Шартнома умумий қийматининг **30%** и миқдоридида **5** банк кунида «Иш бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида **10** банк кунида қолган **70%** тўлов «Иш бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, акт далолатномаси, ҳисоб-фактура) га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1 Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг **15 кун** давомида шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш ҳажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» га топширгандан сўнг иш тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

5. Томонлар мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажаришни бошлади.
- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.
- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарувчи иш ҳажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;
- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлиқ, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.
- Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи» га шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисмини тўлиқ ўтказиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998- йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунининг 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўлади.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун **0.05%** миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини **50%** дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун **0.05%** миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини **50%** дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмлари «Иш бажарувчи» нинг хатоси билан содир қилинганда «Бажарувчи» ушбу хато ва камчиликларни ўз ҳисобидан «Буюртмачи» нинг иштирокисиз хал қилади. Яъни ўз ҳисобидан ишни бажаради.

6.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўймайди.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда мурасага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди орқали хал қилинади.

8. Қўшимчалар

8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Форс мажор

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер кимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган ҳамда ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Буюртмачи»

«Сурхондарё вилояти минтақавий автомобил йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

Манзил: Термиз ш. Олмазор кўчаси, 42-уй

Тел:

ш.х.в 3045 2186 0222 1570 4512 9118 019
ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги
Амалиёт бошқармаси

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк коди: 00014 ИНН: 201 122 919

директор



А. Бокиев

(имзо)

«Бажарувчи»

«Жанубийўллойиха»

масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Термиз ш. Т. Сайидалиев кўчаси 1

Телефон: 0 376 221 18 79

АТ «Халк банк» Термиз ш. филиали


Х/р: 2020 8000 1043 5746 9001

Банк коди: 01175

ИНН: 205251368

ОКОНХ: 66000

директор



А. Йўлдошев

(имзо)

Юрист визаси: Мен Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси юристи, ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим.

«06» 05 2022 йил  Ф.Тураев

БАЁННОМАСИ

Қизирик тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлими Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама етказиш) лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мақсадида, биз куйида имзо чекувчилар “Буюртмачи” томонидан “Сурхондарё вилояти минтақавий автомобил йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан директор А. Боқиев ва “Бажарувчи” томонидан “Жанубйўллойиха” МЧЖ директор А. Йўлдошев томонлар уртасида объектининг лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш нархини 7 200 000 (етти миллион икки юз минг) сўм миқдориди келишганимизни тасдиқлаймиз.

Базавий нархда ҳисобга олинмаган материаллар нархини узгариши ва меҳнати иш ҳақининг узгариб туриши сабабли шартнома нархи очик қолади.


ушбу шартнома “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” орасидаги узро ҳисоб-китоб қилиш ва туловни амалга ошириш учун асос булади.

КАЛЕНДАР РЕЖА

№ т/р	Шартнома буйича ишнинг номи ва унинг бажарилиш босқичлари	Ишнинг бажарилиш вақти		Ишнинг ҳисоб нархи 15% ККС билан сўм
		Бошланиш ой, йил	Тугатилиш ой, йил	
1	2	3	4	5
1	Қизирик тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлими Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама етказиш) лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	___-кун		7 200 000
	Бир босқичда			
	100% лойиха-смета ҳужжатларини бажариб бериш	___-кун		
	Жами:			7 200 000

Эслатма: Шарномани имзоланиши ва туланишига қараб ишнинг бажарилиш вақтини узгартириш ҳуқуқини “Бажарувчи” уз зиммасига қолдиради.

Бажарувчи


 А. Йўлдошев



 Буюртмачи

 А.Боқиев
 м.у.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 70061 на приобретение Қизириқ тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлим Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама еткизиш) ЛСХ ни ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 29.04.2022

Время рассмотрения 28.04.2022 09:01

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo`llarga buyurtmachi xizmati DUK (Qiziriq) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O`G`LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O`G`LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH	Комиссия аъзоси	Сурхондарё минтакавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.04.2022 года № лота 70061.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Қизириқ тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлим Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама еткизиш) ЛСХ ни ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	7 226 000.00
Стартовая сумма	7 226 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар

тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	15	Экспертная		
ООО JANUBYO'LLOYIHA	20	1	20	Экспертная		
TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувоҳнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгалиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар рўйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрисида кафолат хати Лойихалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	20	Экспертная		
ООО JANUBYO'LLOYIHA	20	1	20	Экспертная		
TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA	20	1	20	Экспертная		

Критерий №3 "Лойихалаш корхонасида ишлаётган ишчилар тугрисида маълумот "

Тип: Бинарное значение

Описание: "Соҳа бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар раҳбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика хисоботида асосан ва шартнома асосида жалб этилган) "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Ишчи ходимлар сони мос келмайди
ООО JANUBYO'LLOYIHA	20	1	20	Экспертная		
TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA	20	1	20	Экспертная		

Критерий №4 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффициент, ижарада бўлса 0,5 коэффициент билан бахоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	20	1	20	Экспертная		
ООО JANUBYO'LLOYIHA	20	1	20	Экспертная		
TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA	20	1	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA	7 226 000.00	7 226 000.00	25.04.2022 20:54:21	19.93
ООО JANUBYO'LLOYIHA	7 226 000.00	7 200 000.00	25.04.2022 18:54:19	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TERMIZ UNIVERSAL PROJECT XK	Не прошел	Не прошел	Не прошел
TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA	80	19.93	99.93
ООО JANUBYO'LLOYIHA	80	20	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 70061 от 29.04.2022 года на приобретение Қизириқ тумани Қишлоқозон МФЙ 3-бўлим Зиёлилар кучасини жорий таъмирлаш (асфальт коплама етқишиш) ЛСХ ни ишлаб чиқиш определила победителем:

ООО JANUBYO'LLOYIHA
205251368

и резервный исполнитель: TERMIZ BINO INSHOOT KO'PRIK YO'L LOYIHA (308971851)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	
Председатель	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	

КОМИССИИ			
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП